project.gov.uz

**NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHASINI ISHLAB CHIQISH VA KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON TIZIMI**

**Loyiha**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАРОРИ**
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**
**ID-54852 (V-1)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
ПҚ–4937-сон қарорига ҳамда Жаҳон банкининг 2021 йил 30 мартдаги кредит маблағларни қайта тақсимлаш ва уни ёпилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги 0116о/21-сонли розилик хатига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Президенти** **Ш. Мирзиёев**

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2022 йил “___” _________даги
_____-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентиниг 2016 йил 23 сентябрдаги “Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокидаги маҳаллий аҳамиятдаги минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-2611-сон қарорининг 1-банди тўртинчи хатбошисидаги “6 лет (2016-2021гг.)” сўзлари “9 лет (2016-2024гг.)” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 сентябрдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокидаги А380 “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” автомобиль йўлининг 228-315 км (87 км) қисмини реконструкция қилиш” лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-2583-сон қарорининг рус тилидаги матнининг 1-банди бешинчи хатбошисидаги “7 лет (2016-2022 годы)” сўзлари “8 лет (2016-2023 годы)” сўзлари билан алмаштирилсин.